

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2007 йил, 24 апрель, СЕШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 77 (10.886)

Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2006 йилги ҳисоботи лойиҳаси муҳокама қилинди.
- Бухоро шаҳрида «Ижтимоий-сиёсий модернизациялашнинг ҳозирги замон тажрибаси ва барқарорликни таъминлаш масалалари» мавзuida халқроқ давра суҳбати бўлиб ўтди. Минтақавий сиёсат жамғармаси ва ЕХҚТ лойиҳаларининг Ўзбекистондаги мувофиқлаштурувчиси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда бир нечта хориж давлатларидан сиёсатшунос экспертлар ҳам иштирок этди.
- Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро вилояти фаолларининг йиғилишида 2007 йил биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва жорий йилда ислотхотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифалари бажарилишини таъминлаш чоратадбирлари тўғрисидаги масала муҳокама этилди.
- Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон тасвирий санъати ҳафталиги бошланди.
- «Кумқўрғон-Турон» очик турдаги акциядорлик жамиятида қасаначилар сони тобора кўпайиб бормоқда. Кейинги бир йилнинг ўзиде 25 нафар хунарманд ва чеварлар ишга жалб этилди. Уларнинг ёрдами билан 600 га яқин фермер хўжалиги учун зарур бўлган буюмлар ишлаб чиқарилмоқда.
- Сирдарё вилоятидаги «Ховосдон» акциядорлик жамиятида уни фортификациялаш жараёни йўлга қўйилди. Ҳозир ушбу корхонада ҳар ойда темир ва бошқа зарур моддалар билан бойитилган 800 тонна ун тайёрланмоқда.
- Ўзбекистон Байналмилал маданият маркази ташкил этилганига 15 йил ўлиши муносабати билан республика Бадий академияси ва «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ҳамкорлигида Андихон, Навоий, Фарғона, Наманган ва Сирдарё вилоятларида уюштирилган тасвирий ва амалий санъат ҳамда фотосуратлар кўргазмалари муваффақиятли намойиш этилди.

ЖАҲОНДА

- Францияда 12 та номзод иштирокида Президент сайловлари бўлиб ўтиб, сайловларнинг берган овозларининг барчаси ҳисобкитоб қилинди. Натижда «Халқ ҳаракати учун Иттифоқ» партиясидан номзоди кўрсатилган Никола Саркози 31,11 фоиз овоз билан биринчи ўринни эгаллаган бўлса, муҳолифатдаги Социалистик партия вакили Сеголен Руаяль хонимга сайловчиларнинг 25,84 фоизи овоз берди. Мамлакат қонунчилигига кўра ушбу энг кўп овоз олган икки номзод иккинчи тур сайловларига йўлланма олди. Яъни 6 май кунини ўтказиладиган иккинчи турда мамлакат президенти аниқланади.
- Кеча 77 ёшида юрак хуружи касаллиги туфайли Россия Федерациясининг биринчи президенти, мамлакатни 1991-1999 йилларда бошқарган Борис Ельцин вафот этди.
- Чехия Президенти Вацлав Клаус мамлакатнинг Европа умумий валютаси — евроқудга кириш-кирмаслиги юзасидан умумхалқ референдуми ўтказилишини маълум қилди. Мамлакат раҳбари аҳолининг кўпчилиги миллий валютани инкор этган тақдирда Чехия евроқудга киришини айтди.
- Грецияда бу йил аълочи абитуриентларга шахсий компьютерлар бепул тарқатилади. Мамлакат ҳукумати томонидан амалга оширилаётган «Юз долларга ноутбук» дастури 20 фоиз аълочи абитуриентни компьютер билан бепул таъминлаш имконини беради. Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 7,5 миллион еврога тенг.
- Бутунжаҳон банкининг собик ходимлари ушбу банк раҳбари Поль Вульфовичнинг истеъфосини талаб қилишмоқда. Банкнинг собик юқори лавозимли 42 нафар ходими шундай талаб билан чиққан. Уларнинг фикрича, Вульфовичнинг жиддий қилмишлари Бутунжаҳон банки фаолиятига салбий таъсир кўрсатиб, унинг обрўйига путур етказди.
- Европанинг «Airbus» авиақурилиш концерни ўзининг «А-350» ҳаво кемаси нархини икки бараварга арзонлаштирди, яъни 189 ва 215 миллион долларлик самолётлари баҳосини 102 миллион долларга туширди. Маълумотларга кўра, «Airbus» авиақурилиш раҳбарияти «Boeing» авиакомпанияси ташаббусига жавобан шундай қарорга келган.
- Исроил мамлакати молия вазири Авраам Хиршон судга тортилиши муносабати билан уч ой муддат давомида ўз лавозимини тарк этадиган бўлди. Гап шундаки, прокуратура А.Хиршонни полициядан кўл остидаги ходимларидан бири 1,3 миллион долларни ишлаб-тиб юборганлиги тўғрисидаги маълумотни яширганликда айбламоқда.
- АҚШда 13 нафар киши фирибгарликда айбланмоқда. Улар рестороанларда официантлар ёрдамида мижозларнинг кредит картонкаларидаги маълумотларни аниқлаш йўли билан уч миллион долларга яқин маблағни ноқонуний ўзлаштирганликда айбланмоқда.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 25 апрель кунини Тошкентда ҳаво ўзгариш турати, ёгингарчилик бўлмайд. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 14-16, кундузи 30-32 даража иссиқ бўлади.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

- **БУГУН** Чилонзор туманидаги «Алгоритм» акциядорлик жамиятида Маънавият тарғибот марказининг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган давра суҳбати Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарорининг ёшлар тарбиясидаги аҳамиятига бағишланди.
- **БУГУН** Фафур Фулом номидаги маданият ва истирохот боғида «Ёшлар — келажак таянчи» мавзuida маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.
- **ҲАМЗА** қурилиш касб-хунар коллежида Маънавият тарғибот марказининг Ҳамза туман бўлими ташаббуси билан туман воғда етмаганлар ишлари бўйича комиссияси, туман солиқ инспекцияси, «Камолот» ЕИХ туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилган тадбир «Ёшларни ахлоқий жиҳатдан тарбиялашнинг долзарб масалалари» деб номланди.
- **РЕСПУБЛИКА** Ёш томошабилар театрида театр илос-мандлари эътиборига Тошкентга гастрол сафарига келган Андихон Ёшлар театри санъаткорлари томонидан тайёрланган спектакллар ҳавола этилди.
- **ЯККАСАРОЙ** туманидаги Юнус Ражабий номидаги маҳаллада Фидокорлар Миллий демократик партияси Яқкасарой туман Кенгаши ҳамда Юнус Ражабий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини ҳамкорликларида маҳалла фаоллари, ёшлари иштирокида ўтказилган тадбир «Ёшлар—келажак таянчи» деб номланди.
- **ТОШКЕНТ** шаҳар Факултетада вазиятлар бошқармаси ташаббуси билан факултетада вазиятларда тиббиёт ходимлари томонидан амалга оширилаётган вазифаларга бағишланган уюштирилган ўқув машғулотига тиббиёт ходимлари иштирок этишди.
- **ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР** маданият саройида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ташаббуси билан солиқ тизимида амалга оширилаётган ислотхотларнинг аҳамиятига бағишланган ўтказилган тадбирда солиқ идоралари вакиллари, тадбиркорлар иштирок этишди.
- **СОБИР** Раҳимов туманидаги 243-мактабда «Соғлом авлод учун» жамғармасининг туман таянч маскани ташаббуси билан уюштирилган тадбир «Соғлом авлод — келажак пойдевори» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан).

ИЧКИ БОЗОРНИ СИФАТЛИ КИЙИМ-КЕЧАКЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРНИНГ ҲИССАСИ ОРТИБ БОРМОҚДАКИ, БУНИ ДЎКОН ПЕШТАХТАЛАРИДАГИ «ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЙЁРЛАНГАН» ЁРЛИҚЛИ ТОВАРЛАР, УЛАРНИНГ ХАРИДОРЛАРГА МАЪҚУЛ БЎЛАЁТГАНИ МИСОЛИДА БИЛИБ ОЛСА ҲАМ БЎЛАДИ.



Кичик бизнес ЯНГИ ДАСТГОҲЛАР КЕЛТИРИЛАДИ

Албатта, бунинг учун тадбиркорларимиз изланишмоқда, бозорни ўрганишмоқда, хорижий ҳамкорлар тажрибасидан, чет элнинг юксак унумли тўқимачилик ва тикув дастгоҳида машиналарни қувватидан самарали фойдаланишмоқда. Тайёр маҳсулотларга турли бозарлар бериб харидорлигини таъминлашда эса нақш тушириш ускуналари кўл келяпти.

Пойтахтимизда икки йилдан буён фаолият кўрсатаётган «GRAND APEX» маъсулияти чекланган жамиятида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Кийим-кечаклар сифатини ошириш, талаблар даражасида ўралишига эришиш ҳамда ташки бозорга чиқиш мақсадида цехларда Россия, Хитой ва Италиядан келтирилган тикув ва бичув жиҳозларидан фойдаланилмоқда. Эраклар, аёллар ва болалар кийим-кечакларининг сифатини таъминлашда эса мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий ва қўшма корхоналарда 100 фоиз пахта ҳам ашёсидан тайёрланаётган рангбаранг трикотаж матолардан фойдаланиш самара бермоқда. Айниқса, «Алким текстиль», «Бурсел», «Байтекс тижарет» хорижий ва қўшма корхоналари билан ҳамкорликда иш юритилмоқда.

— Асосий мақсадимиз ички бозорни импорт ўрини босувчи маҳсулотлар билан таъминлаш ҳамда энг муҳими экспортни йўлга қўйишга интилишдир, — дейди корхона директорининг ўринбосари Аббос Азимов. — Бунга эришишнинг ўзи бўлмайд, албатта. Шу боис ҳам ҳукуматимиз ва Президентимизнинг тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашларидан фойдаланган ҳолда иш юритаемиз. Хорижий ҳамкорлар, яъни туркиялик ишбилармонлар билан алоқаларимизни мустаҳкамлашга эътибор қаратганмиз. Хориж инвестициясини жалб этган ҳолда қўшма корхона ташкил этиш ниятида қурилиш ишларини амалга ошираялмиз. Янги цехларни эса янада унумли чет эл техника ва ускуналари билан жиҳозлаб, тайёрланаётган маҳсулотларимиз турлари ва сифатини жаҳон андозалари даражасига етказишни мақсад қилганмиз. Бу эса хорижга товарларимизни экспорт қилишга йўл очади, иқтисодийимиз ривожига ҳам муҳим ҳиссамиз бўлади.

Ҳозирги кунга келиб тайёрланаётган маҳсулот турлари 40 хилдан ортиб кетди. Айни дамларда эса замонавий бичимдаги ўсмир қизлар ва аёллар халатлари харидорларга етказиб берилмоқда. Болалар либосларининг янги-янги турлари ишлаб чиқаришга жорий этилади. Бу борада модельер-дизайнерлар изланишлар олиб боришмоқда. Жорий йилда тадбиркорлар ўзларининг фирма дўконларини ҳам ишга туширади. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш натижасида эса қўшимча ишчи ўринлари ҳам яратилади.

Шарофат БАХРОМОВА
СУРАТДА: директор ўринбосари Аббос Азимов ва тикувчи Зилола Абдуллаева тайёр маҳсулотни кўздан кечирмоқда.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат

Миср оммавий ахборот воситалари: «КЎХНА ҲАМКОРЛИКНИНГ ЁРҚИН ИСТИҚБОЛИ САРИ»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИГА РАСМИЙ ТАШРИФИ МАЗКУР МАМЛАКАТ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА КАТТА ҚИЗИҚИШ УЙФОТМОҚДА.

Мисрдаги энг нуфузли нашрлардан бири ҳисобланган «Ал-Ахром» газетаси ўз саҳифаларида «Ўзбекистон демократлаштириш ва иқтисодий ислотхотлар йўлида», «Хусний Муборак билан Ислам Каримов минтақавий ҳамда халқаро муаммоларни муҳокама қилди» сарлавҳали мақолаларни эълон қилди. Ҳуқуқчилар эътиборига Ўзбекистон тараққиётининг замонавий босқичи ҳамда Ўзбекистон ва Миср халқлари ўртасидаги ўзаро тарихий алоқаларининг чуқур таҳлили ҳавола этилади. Газетанинг таъкидлашича, Ўзбекистоннинг демократик ривожланиши, юксак иқтисодий кўрсаткичлари ҳамда миллий тараққиёт модели кўплаб мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилмоқда. Нашрнинг фикрича, буларнинг бари Президент Ислам Каримов томонидан узокни кўзлаган ҳолда амалга оширилаётган оқилона сиёсат маҳсулидир.

Ўзбекистон раҳбарининг ташрифи га бағишланган ахборотида «Ал-Жумҳурия» газетаси ташриф чоғида имзоланган битимлар икки мамлакат манфаатларига хизмат қилишини таъкидлайди.

«Ал-Жумҳурия» икки мамлакат раҳбарлари минтақавий хавфсизликни таъминлаш бўйича саяё-ҳаракатларни мувофиқлаштириш ҳамда терроризмни муқаддас ислом дини билан боғлашга қаратилган уришларга биргаликда қарши туришга келишиб олганликларига эътибор қаратади.

Нашр, шунингдек, ташриф чоғида Ўзбекистон диёрдан етишиб чиққан буюк олим, Нил дарёси сатҳининг ўзгаришини аниқловчи қурилма — бутун дунёга машҳур Ниломерни яратган Аҳмад ал-Фароний ҳайкалининг очилиши бўлиб ўтганини кайд этади. «Ал-Фароний сиймоси Ўзбекистон билан Миср ўртасидаги кўп асрлик дўстликни мужассам этади», — деб ёзади газета.

«Ал-Мисрий ал-Йовм» газетаси икки мамлакатнинг кўплаб халқроқ масалалар бўйича қарашлари муштарак эканига эътибор қаратади. Президент Ислам Каримов Марказий Осиёдаги барқарорлик ва хавфсизлик кафолатидир. Бу эса, нашр фикрига кўра, Ўзбекистонга ишончи иқтисодий ва сиёсий шерик сифатида қараш лозимлигини англатади.

«Ал-Мустақбал» газетасининг маҳсули сони Президентимиз ташрифи га бағишланди. Нашр ўз мақолаларида Ўзбекистон тарихи, юртимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислотхотлар, Ўзбекистон-Миср ҳамкорлиги, мамлакатимиз эришаётган ютуқлар ҳақида батафсил ҳикоя қилган.

«Ал-Миса» газетаси ўз ўқувчиларига Ўзбекистон-Миср саммити икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий ва техник ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам бўлди, дея ахборот беради. Ўзбекистон Қоҳира ўз муносабатларини ҳар томонлама ривожлантиришга интилаётган Марказий Осиё минтақасида етакчи мавқега эгаллаиди, дея таъкидлайди нашр.

Миср ҳукуматининг етакчи нашрларидан бири — «Ал-Масайя» Ўзбекистон ҳамда Миср Саудия Арабистон билан биргаликда ислом оламнинг асосини ташкил этувчи учта мамлакат қаторига киришини таъкидлаган. «Президент Ислам Каримов гуллаб-яшна-

ётган, барқарор ривожланаётган, хавфсиз ва келажаги порлоқ Ўзбекистоннинг демократик тадбиркорлар иштирокида бўлиб ўтган иқтисодий форумга қаратади. «Иш одамларининг учрашуви икки мамлакат тадбиркор доиралари ўртасидаги бевосита алоқаларга туртки беради, уларнинг муносабатларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди», — дейилади мақолада.

«Ал-Ахром» «Тошкент ва Қоҳира»нинг умумий тарихи» номли мақолани эълон қилди. У Ўзбекистоннинг рангбаранг суратлари билан безатилган бўлиб, юртимиз ўтмиши билан бир қаторда Ўзбекистон ва Миср халқлари ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг кўп асрлик тарихи хусусида батафсил ҳикоя қилади.

«Ўзбек халқи — Марказий Осиёдаги энг қадимий халқлардан бири. Кўп асрлар муқаддам бу ерда яшаб ижод қилган буюк олимлар ва мутафаккирларнинг бой мероси бу фикрнинг ёркин тасдиғидир», — дея таъкидлайди нашр.

Газета икки халқ ўртасидаги алоқаларининг тарихига тўхталиб, қизиқарли далилларни айтиб ўтади. Жумладан, Мамлуклар сулоласи ҳукмронлиги даврида Қоҳирада «Ҳадикатил Ўзбекия», яъни «Ўзбеклар боғи» деб номланган илк боғ ташкил этилган. «Вақт ўтиши билан боғ ва унинг атрофидаги ҳудудлар шу номни олиб, бугунги кунда ҳам айнан мана шу ном билан машҳурдир». Мисрдаги етакчи нашрлардан яна бири — «Ал-Ахбор» «Ўзбекистон: миллий тотувлик тажрибаси» сарлавҳали мақолани эълон қилди. Юртимизда ҳукмронлик қилаётган миллатларо товулик ва бағрикенглик хусусида фикр юритар экан, нашр Ўзбекистондаги миллатларо тинчликни таъминлаш модели энг юксак баҳога лойиқ экани ҳамда араб дунёси учун яши намуна бўлиши мумкинлигига ургу беради. «Ал-Ғад» газетаси мамлакат сиёсий ҳаётида етакчи ўринлардан бирини эгалловчи шу номли сиёсий партиянинг нашри ҳисобланади. Президент И.А.Каримовнинг ташрифини ёритар экан, газета юртимиз ислом дини ва фани тараққиётида муҳим ўрин тутишига эътибор қаратади. «Мамлакат раҳбарияти ўзбек халқининг маданий ва маънавий қадриятларини қайта тиклаш, асар-авайлашга қаратилган кенг микёсли ва изчил ишларни амалга оширмоқда. Тошкент шаҳри 2007 йилда ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши ана шу энг саяё-ҳаракатларнинг натижаси бўлди», — деб ёзади газета.

Ташриф ақунлари ҳақида гапириб, Миср матбуоти икки мамлакат раҳбарлари сиёсий, иқтисодий, маданий, сармоявий ҳамкорлиқни ривожлантириш ҳамда хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш хусусида келишиб олганини таъкидлайди.

Президент И.А.Каримовнинг Мисрга ташрифи га бағишланган репортажлар «Найл-ТВ», «Ан-Нил» ва «Биринчи» телеканаллар, шунингдек, «Қоҳира овози» ва «Катта Қоҳира радиоси» радиоканаллари орқали узатилди.

«Жаҳон» АА.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ВА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАБУСИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗДА ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ ИНСОН МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯСИ КЎЛАМИНИНГ ЯНАДА КЕНГАЙИШИДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛМОҚДА.

Ижтимоий ҳимоя тизимининг самардорлигини оширишда жамоат ва нодавлат ташкилотлар, хусусан, фуқароларнинг

ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллаларнинг ролини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ташаббуси билан Навоий шаҳрида ташкил этилган «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштироки» мавзuida давра суҳбатида шу ҳақда сўз борди.

Ушбу Қўмита раиси А.Саидов бошқарган тадбирда Қонунчилик палатасининг

депутатлари, Навоий вилояти ҳокимлиги, вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари ва ижтимоий ҳамкорлик йўналишлари, уларнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдаги иштироки, Ижтимоий ҳимоя йилида сиёсий партияларнинг вазифаларига оид мавзуларда маърузалар тингланди. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг асосий йўналишлари ва унинг ижросини таъминлашда нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаоллигини ошириш лозимлиги кайд этилди.

Давра суҳбати иштирокчилари ёшларнинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш, қобилияти ва салоҳиятини юзага чиқариш учун шароит яратиш, ёш оилалар мустақил ҳаётга қадам қўйишда уларни маънавий рағбатлантириш ва моддий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилиши зарур бўлган ишлар юзасидан ҳам атрафлича фикр алмашдилар.

(ЎЗА)

ШАҲАР ХҲЖАЛИГИ: ИСТИҚБОЛ ВА РЕЖАЛАР

Ана шу мақсадда уй-жой коммунал хўжалигида рўй бераётган жараёнларни яна бир бор танқидий баҳолаб, барча учун муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлган ушбу долзарб соҳада ҳалигача сақланиб қолаётган жиҳдий муаммоларнинг илдирига етиш ва уларни бартараф қилиш зарурлигига эътибор қаратиш лозимлиги айтиб ўтилди. Иссиқлик билан таъминлаш ва унинг бутун тизимини кескин ўзгартириш даркорлиги таъкидланар экан, бу масалада мавжуд қозонхоналар ва иссиқлик таъминоти тармоқларининг техник ҳолати энг заиф бўлиб қолганини ҳам эътибор қаратилади.

Ана шу муҳим устувор йўналишнинг амалдаги иқросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар коммунал хўжалигида ҳам белгиланган режалар асосида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. — дейди биз билан суҳбатда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Худудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси Уй-жойлардан фойдаланиш бошқармаси бошлигининг ўринбосари Файзулла Рихсиллаев. — Иссиқлик манбалари ва тармоқларида ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш мақсадида «Тошсисқуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Тошкент иссиқлик маркази» ва «Тошкент иссиқлик электр маркази» ОАЖ қозонхоналари томонидан ҳар йили иссиқлик тармоқлари ва иссиқлик манбаларида зарур бўлган таъмирлаш ишлари тасдиқланган жадвалларга асосан олиб борилмоқда.

Буларга эскирган иссиқлик тармоқларини алмаштириш, жорий таъмирлаш, изоляциясини қайта тиклаш, қозонхоналардаги иссиқлик қозонларини капитал, жорий таъмирлаш ва шу каби бошқа ишлар кирасиди. Иссиқлик тармоқларида содир бўлган носозликларни тезкор равишда бартараф этиш учун юқорида кўрсатилган қозонхоналар ва уларнинг туман бошқармалари зарур бўлган махсус транспорт воситалари ва механизмлар ҳамда алоқа воситалари билан таъминланганлиги амалга ошириладиган ишларни ўз вақтида бажарилиши кўрсатилган хизматларнинг сифатини оширишга олиб келимоқда.

Жорий йилда шаҳар бўйича қозонхоналарда 24 та қозонлар капитал ва 434 та қозонлар жорий таъмирлашни режалаштирилган. 40 километр иссиқлик тармоқларини капитал таъмирлаш, 20 километр тармоқлар изоляциясини қайта тиклаш ва шу каби бошқа ишлар режалаштирилган.

Бундан ташқари иссиқлик энергиясини тежаб ишлатиш мақсадида кўп қаватли уй-жойларнинг ички муҳандислик тармоқларида ҳам таъмирлаш ишлари олиб борилди. Марказлашган иссиқлик таъминотидан йироқ бўлган кўп қаватли уйлар ва иктымол соҳа объектларига марказлашмаган (локал) қозонхоналар қуриш ишлари «Тошсисқуввати» ИЧБ ва туман ҳокимиятлари ҳисобидан амалга оширилмоқда. Бу эса газ таъминоти сарфини камайтиришга, иссиқлик, иссиқ сув таъминотини

яхшилашга ва ўз навбатида аввал етказиб берилган иссиқлик таъминоти ҳарajatларнинг 2 баробар қисқаришига эришишда муҳим аҳамият касб этади.

Бунга мисол қилиб Чилонзор тумани, Юқори Дархон кўчаси, 2- ва 4-уйлар учун ўрнатилган локал қозонхона келтиришиши мумкин. Ушбу уйлар аввал иссиқлик ва иссиқ сув таъ-

тармоқлари қозонхоналари ҳамда туман ҳокимликларига ҳам бир қатор вазифалар юкланган. «Тошсисқуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан 2006 йилда локал қозонхоналарда 26 та маънавий эскирган ва тежамсиз қозонларни фойдали иш коэффициентини юқори бўлган қозонларга алмаштирилди. 2007 йилда эса «Тошсисқуввати» ИЧБ томонидан локал қозонхоналардаги 13 та маънавий эскирган ва тежамсиз қозонларни фойдали иш коэффициентини юқори бўлган қозонларга алмаштириш кўзда тутилган. Ушбу ишлар натижасида қозонхоналарга кам газ сарфланиб, юқори даражада иссиқлик ишлаб чиқарилишига эришилмоқда.

Таъжриба сифатида 110 та уйни, 37 та иктымол соҳа объектларини иссиқлик билан таъминлаш олдидан қўйиб энергиясида ишлайдиган тизим Бектемир тумани «Сувчи» мавзесида қурилиб, фойдаланишга топширилган. Бу 18

фадан туриб бошқариш ҳамда уларнинг иш режимидаги ҳақиқат ахборотларни масофадан туриб олиш имконини беради. Бундан ташқари Бўзсув Бош сув иншоотлари насос станцияларига 9 донга, Қодирия Бош сув иншоотларига 15 та шундай насос қурилмаларини ўрнатиш кўзда тутилган. Бу ишларнинг бажарилиши ҳам электр энергия сарфини ва ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга олиб келади.

Ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланишнинг яна бир асосий йўналиши, бу—уй-жой фондига совуқ сув ва иссиқ сув ҳисоблагичларини ўрнатишдан иборатдир. Бу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 8 августдаги «Совуқ ва иссиқ сувни ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш Дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги 166-сонли қарорига асосан уй-жой фондига иссиқ ва совуқ сув ҳисоблагичлари ўрнатиш бўйича Дастур ишлаб чиқилган.

Совуқ ва иссиқ сув ҳисоблагичларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 3 январдаги «Ўзбекистон Республикаси уй-жой фондиди совуқ ва иссиқ сув ҳисоблагич асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 2008 йил 1 июлда тўлиқ тугаллаш учун Хитой Халқ Республикасининг уй-жой фондиди совуқ ва иссиқ сув ҳисоблагич асбоб-ускуналари билан жиҳозлашга йўналтирилган кредит маблағлари ҳисобидан амалга ошириш кўзда тутилган.

Хозирги кунда битта УЖМШга бирлаштирилган хонадонлар (уйлар) сони фаолият кўрсатаётган уй-жой мулкдорлари ширкатлари бўйича қайта кўриб чиқилди, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари иштирокида уй-жой эгаларининг навбатдан ташқари йиғилишлари ўтказилди. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини ривожлантириш ва уй-жойларга хизмат кўрсатишнинг аниқ бозорини шакллантириш тўғрисидаги дастурга асосан туманларда аҳоли ўртасида кичик ХУЖМ ширкатларининг афзалликлари бўйича тушунириш ишлари олиб борилди. Ушбу ишлар натижасида ҳозирги кунда жами 2086 та ширкатлар тўзилди. 1 та уйга хизмат кўрсатаётган 630 та ширкат фаолият кўрсатмоқда. Битта ХУЖМШга бирлаштирилган хонадонлар (уйлар) сонини муқобиллаштириш ишлари 2007 йилда якунланиши кўзда тутилмоқда. 105 та профессионал бошқарув компаниялари 576 та ширкатларга уй-жойларни таъмирлаш, сақлаш ишларида шартномалар асосида хизмат кўрсатмоқда. Шаҳар ва туман ХУЖМШ уюшмалари томонидан ширкатлар фаолиятини ўрганиш бўйича доимий мониторинг олиб кўрилади.


848 та ширкат раислари ва тафтиш комиссияси аъзолари ҳар тўрт ойдаги ўқув курслари ва семинарларда ўқитилди, малакаси оширилди. Ушбу ўқув курслари ва давра суҳбатларида аҳолининг коммунал ва фойдаланиш харажатлари учун тўловлари, уй-жойларни капитал таъмирлаш, коммунал ва фойдаланиш харажатлари учун тарифларни шакллантириш ва шу каби бошқа масалалар ўрганилди.

Хозирги кунда ширкатлар фаолиятини мувофиқлаштириш, ишловларини амалга ошириш бўйича тўзилган шаҳар ва туман комиссиялари томонидан жойларда юқорида кўрсатилган масалалар доимий равишда ўрганиб чиқилмоқда ва мониторинглар олиб борилмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА

САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР САМАРА БЕРМОҚДА

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ 2006 ЙИЛДА МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2007 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧЎҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАРИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДА «БИЗНИНГ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРИМИЗНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИГАН ЕТТИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ — БУ КОММУНАЛ ХҲЖАЛИГИ СОҲАСИДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧЎҚУРЛАШТИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ», ДЕБ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАДИЛАР.



минотини «Саноатэнерго» қорхонасининг қозонхонасини олар эди. «Саноатэнерго» қорхонасининг қозонхонасини ушбу уйларга иссиқ сув таъминотини узатишдаги харажатлар ўзини ўзи қопламаётганлиги учун қўпичча ўчириб қўйиб эди, айниқса ёз ойларида иссиқ сувнинг йўқлиги аҳолининг норозилигига сабаб бўларди. Локал қозонхона қурилгандан сўнг иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти узлуксиз етказиб берилмоқда ва бундан аҳоли жуда мамнун. Яна мисол сифатида айтиш мумкин, С.Раҳимов тумани, Қорақамчи 2/3 мавзеси, 29- ва 30-уйлар учун ўрнатилган локал қозонхона яшовчиларнинг иссиқлик ва иссиқ сув таъминотига бўлган эътибонини қондириди.

Хамза туманидаги «Тошқилқоқмаш» ОАЖ поликлинिकासи учун ўрнатилган локал қозонхона келтириб ўтмоқчимиз. Бу поликлинিকা ҳам марказий иссиқлик тармоқларидан йироқ ҳамда иссиқлик тармоқларининг охириги нуқталарида жойлашган бўлиб иссиқлик етиб бора олмас эди. Поликлинিকাга профилактик даволаш учун келган аҳоли ҳам, шифокорлар ҳам иссиқлик ва иссиқ сув таъминотидан норози эдилар. Бу ерга ҳам локал қозонхона қурилгандан сўнг поликлиниканинг иссиқлик таъминоти яхшиланди.

Шуни таъкидлаш ўринлики, уй-жой фонди ва иктымол соҳа объектлари учун марказлашмаган локал қозонхоналарни ўрнатиш ишлари 2007 йилда ҳам давом эттирилди. Бу ишларнинг бажарилишига «Тошсисқуввати», «Сувсос», «Тошкентшаҳаргаз», шаҳар электр

фойз газни тежаш имконини берди. Хозирги кунда «Сувсос» трести давлат унитар қорхонасидан лизинг шартномаси асосида сотиб олинган 53 донга кам электр энергияни талаб этадиган ишончли насослар кўп қаватли уйларга ўрнатилди. Бу эса ўз навбатида юқори қаватларда яшовчи аҳолини узлуксиз равишда ичимлик суви билан таъминлаш ҳамда электр энергиясини тежаш имконини берди.

Сергели оқова сувларни кўтариш насос станциясида 8 та маънавий эскирган, электр энергиясини кўп сарфлайдиган насослар ўрнига Германиянинг «Флот» фирмасининг ишлаб чиқариш қуввати катта бўлган 2 донга янги турдаги насослари ўрнатилиб ишга туширилди. Бу эса фойдаланиш харажатларини ҳамда электр энергия сарфини 30 фоизга камайтириш имконини берди.

Тошкент шаҳар ҳокимияти ҳамда Европа Тиклаш ва тараққийот банки ўртасида имзоланган кредит шартномасига кўра «Тошкент шаҳарини сув билан таъминлаш тизимини тасвиқлаштириш» инвестиция лойиҳаси доирасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Қўрай сув иншоотларига Германиянинг «Флот», «Грундфос» маркали 62 та юқори ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган ер ости насосларини ўрнатиш ишлари бошланган. Бу янги турдаги замонавий насослар нисбатан кам электр қуввати сарфлайдиган ва автоматик усулда бошқариладиган бўлиб, 30 фоизгача электр қувватини тежаш имконини беради. Автоматик бошқарув тизими насосларни масо-

фиқ дастурга асосан туманларда аҳоли ўртасида кичик ХУЖМ ширкатларининг афзалликлари бўйича тушунириш ишлари олиб борилди. Ушбу ишлар натижасида ҳозирги кунда жами 2086 та ширкатлар тўзилди. 1 та уйга хизмат кўрсатаётган 630 та ширкат фаолият кўрсатмоқда. Битта ХУЖМШга бирлаштирилган хонадонлар (уйлар) сонини муқобиллаштириш ишлари 2007 йилда якунланиши кўзда тутилмоқда. 105 та профессионал бошқарув компаниялари 576 та ширкатларга уй-жойларни таъмирлаш, сақлаш ишларида шартномалар асосида хизмат кўрсатмоқда. Шаҳар ва туман ХУЖМШ уюшмалари томонидан ширкатлар фаолиятини ўрганиш бўйича доимий мониторинг олиб кўрилади.

848 та ширкат раислари ва тафтиш комиссияси аъзолари ҳар тўрт ойдаги ўқув курслари ва семинарларда ўқитилди, малакаси оширилди. Ушбу ўқув курслари ва давра суҳбатларида аҳолининг коммунал ва фойдаланиш харажатлари учун тўловлари, уй-жойларни капитал таъмирлаш, коммунал ва фойдаланиш харажатлари учун тарифларни шакллантириш ва шу каби бошқа масалалар ўрганилди.

Хозирги кунда ширкатлар фаолиятини мувофиқлаштириш, ишловларини амалга ошириш бўйича тўзилган шаҳар ва туман комиссиялари томонидан жойларда юқорида кўрсатилган масалалар доимий равишда ўрганиб чиқилмоқда ва мониторинглар олиб борилмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА

ДИЛДАГИ ГАПЛАР ҲИМИЗ МАСЪУЛИМИЗ

Саодат ХОНАЛИЕВА, Чилонзор туманидаги «Янги қатортол коммуналчи» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига қарашли 29-уй бошқарувчиси:

— Шаҳаримизда кўп қаватли уйларни ободонлаштиришга, ён-атрофларини кўккасалаштиришга, шунинг баробарида яшовчиларга қулайлик яратиш ва намунали коммунал хизмат кўрсатишга катта эътибор қаратишган. Аммо бу борада четдан ёрдам кутмай, аҳолининг ўзи ҳамжихат бўлса, ишлар кўнгилдагидек бўлишини ўз таърибамизда ақлол кўриб турибмиз.

Биз яшаётган бино 1964 йилда қурилган ва 1998 йилда капитал таъмирдан чиқарилган. Уй-жой мулкдорлари ширкатига аъзо бўлган ўз ҳуқуқларимиз ва мажбуриятларимизни тўғри англаб, ҳамжихатликда ишлашга ҳаракат қилдик. Таъкидлашимиз жоизки, ўзимизнинг қўлимиздан келадиган барча ишларни бамаслаҳат бажаришга одатланганмиз. Бунинг учун ҳар бир йўлакка сайланган йўлак бошилар билан йиғилишиб олиб, сўнгра бу ҳақда яшовчиларнинг фикр-мулоҳазаларига қулоқ тутамиз. Йўлақлар тозаллигига, уйимиз ён-атрофи ободлигига, умумий мулкни асраб-авайлашга ўзимиз масъулимиз. Йўлақлар навбатчилик асосида тозаланса, ховлимизни ҳашар йўли билан покчи ва ораста сақлашга уринамиз.

Бизнинг уйдан 48 та хонадон аҳли яшайди. Уларнинг 70 фоизини пенсионерлар ташкил этади. Хозирда уйимизда ҳеч қандай муаммо йўқ. Коммунал тўловларини эса кўпчилик яшовчилар олдиндан тўлаб қўйишади. Шу боис қарздорлик муаммоси бизни қийнамайди.

Утган йилда ховлимизга турфа гул ва арча кўчатлари эдик, мўъжазгина болалар майдончаси ҳам барпо этдик. Хозирда гул ва ниҳолларимиз ховли-

мига чирой бахш этмоқда. Яна бир болалар уйингоҳи қуришга ҳаракат қилаяпмиз. Кириш йўлақларимизга темир эшиклар ўрнатилган. Йўлакбошиларимиз фаолликда ишлашади. Бу борада Соля Ли, Антонина Севестянова, Саидкорюк Пулатов, Аҳмад Қориев сингари йўлакбошиларни таъкидлаш лозим.

Албатта, ўз уйимиз — ўзимизнинг муқаддас гўшамиз. Унинг қўркамлигини, ҳар бир яратилган қулайликдан самарали баҳраманд бўлиш яшовчиларнинг саъй-ҳаракатига боғлиқ. Қўлимиздан келадиган ишларни аҳилликда адо этсак, доимо уйларимиз обод, кўнгилларимиз эса шод бўлади.

БЕФАРҚ БЎЛМАЙДИК

Неъматилла МАНСУРОВ, Миробод туманида яшовчи пенсионер:

— Кейинги йилларда пойтахтимизда ўнлаб шўбқатлар бунёд этилди, бекатлар ободлигига эътибор қўнди. Бу, албатта, ҳамшаҳарларимизга, шаҳаримизга меҳмон бўлиб келган йўловчиларга яратилган яхши шайлардан саналади. Сосябонли ва ўриндиқли бекатларда ёшу қари бирозгина дам олиб автобус кутади.

Лекин ана шу бекатларда асабга тегадиган бир манзара ҳақида тўхтагани лозим топдим. Шуниси ажабланарлики, кечагина ўрнатилган шинам ўриндиқларнинг тахталари бир ҳафта ёки ой ўтмай кўпориб олинди ёки синдириб ташланди. Ахир шу ҳам инсофданми? Кўпчиликнинг қорига яраётган ўриндиқнинг бузишдан, бекатларга зарар етказишдан қимга фойда? Ахир бунинг учун қандадан-қанча маблағ сарфланмоқда, ишчи кучи жалб этиляпти. Буни фақат маънавияти паст, ахлоқсиз кимсаларнинг иши деб ўйлайман. Шу боис ҳам ана шундайларни кўрганда, «Менга нима?» дея бефарқ бўлмасдан, тушунириш, керак бўлса қаттиқ танбех бериш керак. Ана шунда қилаётган ишлари ҳаммага зарар келтириши ҳақида уйлаб қўришармиди?!

Қиш тараддудининг эрта бошланиши эса келгуси мавсумга замин бўлади, хизмат ҳам шунга яраша кўнгилдагидек адо этилади. Буларнинг барчаси учун албатта биринчи навбатда катта маблағ керак бўлади. Шу боис ҳам истеъмолчиларнинг қўрсатилган хизматлар ҳақини вақтида адо этиши тайёргарликнинг пухта бўлишида, мавсумда панд еб колмаслиқда муҳим аҳамиятга эга. Аммо буни тўғри тушунаган ёки билиб-билмасликка оладиган хонадон эгалари ҳам борки, бугунги кунда уларнинг қарздорлиги ойма-ой ортиб бормоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг худудий коммунал фойдаланиш бирлашмасидан берилган рўйхатни кўздан кечирсангиз, бунга ақлол гувоҳ бўласиз. Сергели тумани, «Сергели-8» мавзеси, 80-уй, 65-хонадондан Д.Хожақбердиева 529.250 сўм, 79-уй, 44-хонадондан Р.Ваҳобжўев 503875 сўм, 76-уй, 27-хонадондан В.Зимин 464900 сўм, 72-уй, 1-хонадондан Алиев 363040 сўм, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 8-уй, 2-хонадондан Э.Тошмутов 556113 сўм, Бектөрөва-Сарикўл кўчаси, 1-уй, 2-хонадондан Р.Минаварова 317235 сўм иссиқлик қуввати ва иссиқ сув ҳақини тўламай юрибди. Ахир хизматдан ҳамма қатори фойдалангандан кейин, тўловини ҳам ана шунга яраша амалга ошириш керак-ку.

Қарздорликнинг қўпайиб бориши хонадон эгаларига ҳам, хизмат кўрсатувчиларга ҳам зарар келтиради. Бунинг устига хизматнинг сифатсизлигига сабаб бўладики, маблағ етишмаслиги боис ишлар енг учиде бажариладими? Юқоридagi истеъмолчилар бу ҳақда яхшилаб ўйлаб қўришса, балки тўловларни тезроқ бажаришга ҳаракат қилишармиди?

Ҳаёт манбаи саналган сувнинг бебаҳолигини ҳар доим қайта-қайта таъкидлаймиз. Ай-

ИЛИК КУНЛАР БОШЛАНИБ, ПОЙТАХТИМИЗДА 2006-2007 ЙИЛГИ ИСИТИШ МАВСУМИ ҲАМ НИҲОЯСМГА ЕТДИ. ЭНДИ ҲАМШАҲАРЛИРИМИЗГА ИССИҚЛИК ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ СОҲА ХОДИМЛАРИ МАВСУМДА СОДИР БЎЛГАН НОСОЗЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ, КАМЧИЛИК ВА НУҚСОНЛАРНИ ТУГАТИШ УЧУН КЕЛГУСИ КУЗГИ-ҚИШКИ ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИНИ БОШЛАБ ЮБОРИШАДИ.

Тўловлар ҚАРЗДОРЛИКДАН ҚУТУЛИНГ

рим мамлакат шаҳарларида сувнинг биздаги сингари кечаю кундуз эмас, балки белгиланган вақтда истеъмолчиларга етказиб беришларини ҳисобга олсак, бундай қулайликдан бениҳоя мамнун бўлмоғимиз керак. Шунингдек, сувни аҳолига тозаланган ҳолда етказиб бериш учун сувсозлар кечаю кундуз меҳнат қилишади. Сарф қилинадиган харажат ҳам шунга яраша бўлади. Албатта, харажатларнинг бир қисми истеъмолчиларнинг тўловлари ҳисобига қопланади. Аммо сувини хоҳлаганича ишлаб чиқариб келганда эса бамайлихотир юрадиган истеъмолчиларга нима дейиш мумкин? «Яхши отта бир қамчи» нақлини эслатиб қўйишим лозим топдик уларга. Хамза тумани Топариқ кўчаси, 11-уй, 13-хонадондан Т.Матжонов 143 минг сўм, Қўпайми кўчаси, 61-уйдан А.Исҳоқов, 152.700 сўм, «Лисунова-1», 20-уй, 91-хонадондан К.Содиқов 128.600 сўм, 10-уй, 20-хонадондан П.Ҳасанов 109986 сўм совуқ сув тўловини бажармай юришибди. Учтепа туманидаги Яқдўл кўчаси, 2-уйлақ, 12-уйда яшовчи А.Алимов эса бу борада ўзига хос «рекордчи» саналади. Унинг қарзи 368 минг сўмдан ортиб қолган бўлишига қарамай, чора-тадбирларга бе-

парво қарамоқда, қарздорлик юқини яна оширмоқда. Шунингдек, тумандаги С.Мирзаева кўчаси, 2-уйлақ, 20-уйдан Р.Эргашев 194.700 сўм, «Чилонзор-24» мавзе, 26-уй, 9-хонадондан Р.Матқубов 155040 сўм, шу уйнинг 88-хонадонидан М.Сайдахмедов 100696 сўм қарздор. Уйингизда бир кун сув бўлмаганини, қандай ҳолатга тушиб қолсангиз? Ана шундан тўғри ҳушлоса чиқарсангиз бўлмайдими? Энди ҳамини газлари ёниқ, лектин ҳамёнлари ёпиқ хонадон эгаларига ҳам тўхталиб жуда ўринли. Юнусобод тумани, Янги тарнов кўчаси, 51-уйдан Ф.Муҳамедов 350 минг сўм, Полерная кўчаси, 1-уйдан Каримов 181530 сўм, Меҳри Умарова кўчаси, 24-уйдан Мунарамажўев 83.300 сўм, Учтепа тумани, Нур кўчаси, 7-уйдан А.Собиоров 223200 сўм, 38-уйдан Абдукаримов 108.700 сўм, 36-уйдан Д.Турдиев 101.700 сўм газ ҳақини тўламай юришибди.

Фурсат қанимат. Шу боис ҳам қарздорлар бунга тўғри англаб, ўз мажбуриятларини бажаришга фойдалан холи бўлайди. Йўқса улардан қарзлар қонун асосида ундирилади. Иккинчидан фойдаланиб, қарзингиздан тезроқ қутул.

(Ўз муҳбиримиз)

Иқтисодиёт ФАБРИКА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

ТАДБИРКОРЛАРГА ЯРАТИЛГАН ҚУЛАЙ БИЗНЕС МУҲИТИ, КЎЗДА ТУТИЛГАН БИР ҚАТОР ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР УЛАРНИНГ САФИ КҮН САЙИН ОРТИШИДА КАТТА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА.

«Анталия текстиль» масъулияти чекланган жамияти ҳам ана шундай кичик бизнес субъектлари сирасидан бўлиб, унинг тadbirkор Алишер Мирзахўжаев раҳбарлигида иш бошлаганига эндигина уч ой бўлди. Трикотаж-тўкув маҳсулотлари тайёрланаётган ушбу қорхонанинг фаолият бошлаши натижасида 15 нафар киши иш билан таъминланди.

— Дастлаб пухта режа асосида ходимларимизни ҳорижий дастгоҳларда ишлашга ўргатдик, — дейди Алишер Мирзахўжаев. — Негаки, цехларимизга ўрнатилган тўкув ва тикув дастгоҳлари қувватидан самарали фойдаланиш учун уларни пухта ўзлаштириш керак. Ана шунда тайёрланаётган маҳсулот сифати юқори бўлиб, харидор талабини қондиради, бозордаги ўрнини белгилайди. Олдимизга қўйган мақсадларимиз жуда кўп. Уларни амалга ошириш йўлида эса тadbirkорларга яратилаётган имкониятлар бизга ёрдам беради ва албатта, хорижий ҳамкорлар билан ишлашга ҳам ҳаракат қиламиз.

Хозирда бозорни ўрганиш асосида қорхонада ишлаб чиқарилаётган ички ва устки трикотаж кийим-кечакларининг тури 30 хилдан ҳам ортиб кетди. Мухими эса маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётган ушбу либосларнинг сифатига қаратилган эътибордир. Маҳсулотлар савдо шохобчаларига шартнома асосида етказиб берилмоқда. Йил охиригача тadbirkорлар ўз фирма дўконларини очишади. Келгусида эса ишлаб чиқаришни ривожлантириб, фабрика ташкил этиш режаланган.

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАЛАРДА ҚАТНАШМОҚДА

«ПБА» ХУСУСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚОРХОНАСИДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН РАҚОБАТАРДОШ ТУРЛИ ДИАМЕТРДАГИ ПОЛЭТИЛЕН КЎВУРЛАР ВА САНТЕХНИКА ЖИҲОЗЛАРИ НАФАҚАТ МАМЛАКАТИМИЗДА ҲАРИДОРИНИ ТОПГАН, БАЛКИ РОССИЯ, ҚАЗОБИСТОН ВА БОШҚА ДАВЛАТЛАРДА ҲАМ ЭЪТИРОФ ЭТИЛМОҚДА.

Бунинг асосий боиси эса зарур муҳитга тайёрлашга, сифатини жаҳон андозаларига етказишга қаратилган эътибордир. Қорхонада маҳсулотлар тури 20 дан ортиб кетган, хиллари эса харидорлар талаб ва эҳтиёжи асосида ишлаб чиқарилади. Айниқса, диаметри 12 миллиметрдан 110 миллиметргача бўлган полэтилен қувурлар халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлатилади. «Узэлектромонтаж», «Тошэлектромонтаж», «Сантехгазонтаж» трестлари, ширкат хўжалиқлари ушбу маҳсулотларнинг асосий буюртмачилари саналади.

Утган йилда тadbirkорлар меҳнати билан 60 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, жорий йилда ушбу рақамни кўпайтириш кўзда тутилган. Шунингдек, улар Италия, Туркия давлатларидаги ҳамкорлар билан алоқаларни мустақамлашга ҳаракат қилишмоқда.

(Ўз муҳбиримиз)

«MIROB-DIZAYN» КЎВУРЛАРИ

«MIROB-DIZAYN» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАТИНИНГ МАҲСУЛОТЛАРИ СИФАТИ ВА РАҚОБАТАРДОШЛИГИ БОИС ИЧКИ БОЗОРИМИЗДА МУНОСИБ ҲАМ ЭГАЛЛАГАН.

Мазкур жамият аҳолининг сополимер водопровод, канализация қувурлари, «PPRS» русумидаги алюминий қанализация сантехника системаларида ишлатиладиган ҳамда иссиқ сув учун мўлжалланган қувурлари, шу рус

Ёшлар—келажагимиз

ШУНДАЙ ФАРЗАНДАРИМИЗ БИЛАН ФАХРЛАНАМИЗ

МАНА БИР НЕЧА ЙИЛДИРКИ, СЕВИМЛИ ШОИРАМИЗ ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР АНИҚЛАНИБ, УЛАР ОРАСИДАН ЭНГ ЗУККО, ҲАР ТОМОНЛАМА БИЛИМЛИ, ЮКСАК ИСТЕЪДОД ЭГАЛАРИ МАЗКУР МУКОФОТГА САЗОВОР БЎЛМОҚДАЛАР. ЎТган йиллар ДАВОМИДА ОЙДИН АБДУЛЛАЕВА, НАРГИЗА ТЎХЛИЕВА, ДИЛОРОМ БЕРДИЕВА, МАЛИКА РАҲМОНБЕКОВА, КАМОЛА ЭРМАТОВА, НАРГИЗ МЕЙЛИЕВА, ДИЛБАР СИДДИҚОВА СИНГАРИ ЛОБАР ВА ДОНО ҚИЗЛАР МАЗКУР МУКОФОТ СОҲИБИ БЎЛДИЛАР.

Бу йил эса адабиёт йўналиши бўйича Тошкент шаҳридан Узбекистон Миллий университети қошидаги Собир Раҳимов академик лицейи ўқувчиси Дилафрўз Усмонова Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари орасидан ўрин олди.

Куни кеча аънамага кўра Тошкент шаҳар ҳокимлигида мазкур мукофот совриндори Дилафрўз Усмоновага шаҳар ҳокими номидан муносиб совға—компьютер жамлан-

маси топширилди. Бундай қимматбахона совғадан Дилафрўзнинг кувони яна ҳам ошди ва ёшларга кўрсатилаётган чексиз ғамхўрлик ва эътибордан қалби фахр ва ғурурга тўлган ҳолда ўз миннатдорчилигини изҳор этди.

— Юртбошимиз ва ҳукуматимиз томонидан биз ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва шундай шарафли мукофот соҳиб бўлганимдан жуда ҳам бахтиёрман. Ҳокимлик томонидан тақдим этилган бу

қимматбахона совға айниқса кўнглимни тоғдек кўтарди. Биз ёш авлодга раҳнамолик қилиб, оталарча ғамхўрлик кўрсатаётган Президентимизга, барчага чуқур миннатдорчилик билдираман ва юксак ишончини оқлашга, келажақда ўқиб, изланишга, илм чўққиларини забт этиб, мустақил Ўзбекистонимиз тараққиётига ўзинимиз муносиб ҳиссамни қўшишга ҳаракат қиламан.

Қалбида сўнмас орузлар, ғайрат-



ДИЛОРОМ ИКРОМОВА СУРАТДА: ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ СОВРИНДОРИ ДИЛАФРЎЗ УСМОНОВА

шижоат, чексиз эзгу максаллар жўш ураётган Зулфияноним издоши бўлган Дилафрўзнинг биз ҳам яхши ниятларига етишига умид қиламан ва келгусида ижодига юксак парвозлар тилаб қоламан. Дилафрўз сингари оқила, доно ва зукко, элим, юртим деб ёниб яшай-

диган, қалби олов ёшларимизнинг келажи бўлсун. Биз шундай фарзандларимиз билан фахрлана-

БУГУНГИ КУНДА ЁШЛАРИМИЗНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ОЛИШЛАРИ, ИЛМЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАБ, ЎЗ КАСБ МАҲОРАТЛАРИНИ ПУХТА ЭГАЛЛАШЛАРИ УЧУН ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН БАРЧА ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН. ЗЕРО, БУГУНГИ ЁШ АВЛОД ЭРТАНГИ КУНИМИЗНИНГ МОҲИР, ИЗЛАНУВЧАН ДОНО ВА ЗУККО ЯРАТУВЧИСИДИР.

Таълим масканларида КОЛЛЕЖДА ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

Яқинда Тошкент Политехника касб-ҳунар коллежиде бўлиб ўтган Очiq эшиклар куни тадбири ҳам ёшларимиз камолоти йўлида қилинган самарали ишлардан ҳисобланади. Мазкур тадбирда шаҳарнинг ҳар хил туманларидаги мактаблардан бир ярим мингдан ошiq ёшлар иштирок этди.

Очiq эшиклар кунида ўқувчилар коллеж ҳаёти, касбларга йўналтирилган мутахассисликлар, соҳага оид амалий ва ижодий фанлар, турли фан ва мутахассисликка оид тўғарақлар ҳақида тўлиқ маълумотларга эга бўлдилар ва мутахассис ўқитувчилар томонидан ўзларини қизиқтирган саволларига батафсил жавоб олдилар. Май ойининг бошларида шу каби яна бир тадбирни ўтказиш режалаштирилиб қўйилди.

— Тошкент Политехника касб-ҳунар коллежиде,— дейди ўқув маскани директори Абдурасул Ҳакимов,— 67 нафар юқори малакали профессор ўқитувчилар ва 20 нафар мутахассис педагоглар самарали меҳнат қилиб келмоқдалар. Ўқув юртимизни тугатган ёшлар турли корхона, ташкилотларда, солиқ идораларида, банк ва кўшма корхоналарда ишломқдалар, кўплари эса олий таълим масканларида таълим олишни давом эттирмоқдалар. Коллежда ёшларга қўшимча касб эгаллашлари учун ҳам барча шарт-шароитлар ва имкониятлар яратилган. Ҳоҳловчилар турли тўғарақларга қатнашишлари, ҳайдовчилик курсларида ўқишлари, тикувчилик ва моделлаштириш бўйича ўқув маҳоратларини оширишлари мумкин. Асосий вазирамиз уларга сабоқ берибгина қолмай, балки маълум бир касбнинг ҳақиқий устаси бўлиб етишишларини таъминлашдан иборатдир. Чунки зехни, зукко, билимдон ёшларимиз келажақда Ватанимиз равнақи, юксалиши йўлида тинмай изланиб, интилишларига, ҳадқимиз оғирини энгил қилишларига, фанда янгиликлар яратишларига ишонамиз. Мактабларни тугатаётган ёшларимизни эса ўқув юртимизда илм олишга ва малакали касб усталари бўлиб етишишга чорлаб қоламиз.



Дарҳақиқат, мазкур коллежда ёшларнинг билимларини оширишлари ва ўз усталирида ишлашлари учун кўпгина қулайликлар мавжуд. Кенг ассортиментли кийимларни тайёрлаш ва моделлаштириш, тикувчилик ишлаб чиқариш, трикотаж ишлаб чиқариш, бухгалтерия ҳисоби, молия, автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, бадиий либосларни лойihalаш, компьютер тармоқларини ишлатиш ва уларни дастурий таъминлаш, яқса буюртма бўйича тикув буюмларини тайёрлаш каби ўнла мутахассисликлар бўйича ўқувчилар ўқитилади. Шунингдек, коллежда Тошкент Автомобиль йўллари, Тошкент Молия институти, Тошкент Давлат техника университети, Тошкент тўқимачилик ва энгил санает институти, Тошкент Давлат педагогика университети билан ҳамкорликда турли таърибалар амалда ўзлаштирилмоқда ва тадбирлар ўтказилмоқда. Ўқув муассасасида 3 та компьютер, 2 та лингафон хоналари, 5 та турли йўналишдаги устаноналар, спорт зали ва лабораториялар, 350 ўринли турли тадбирлар ўтказиш зали, 77 минг китобдан иборат ахборот ресурс маркази ўқувчилар ихтиёрида.

Бундан ташқари ушбу масканда турли хил тадбирлар, танловлар, ижодий уршувлар узлуқсиз равишда ўтказиб турилади.

Гулчеҳра САТТОР қизи

СУРАТДА: Тошкент политехника касб-ҳунар коллежиде ўқувчилар учун мана шундай шарт-шароитлар яратилган.

— Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан юртимизда маънавий мулк ривожини ва муҳофазасига эътибор кучайди. Ўтган даврда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни муҳофазат этишнинг пухта ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилгани бунга аққол мисолдир. Юртимизда муаллифлар ҳуқуқлари ва улар томонидан яратилган асарлар муҳофазасини таъминлашга жиддий эътибор қаратилаётганининг бошқа бир мўҳим мезони шуки, 1996 йилдаёқ Олий Махлис томонидан «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида» ги қонун қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудиде 2005 йилнинг 19 апрелидан эътиборан Адабий-бадиий асарларни муҳофазат қилиш тўғрисидаги Берн конвенцияси қоидалари амал қилаётган-

рокчи давлатда махсус ташкил этилган ваколатли идоралар — муаллифларнинг мулкий ҳуқуқларини жамоа асосида бошқарувчи жамиятлар узаро ҳамжиҳатликда асарларни муҳофазат қилиш тизимини вужудга келтиради.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги ана шундай ваколатли идора ҳисобланади. Агентлигимиз хорижий мамлакатларда юртимиздаги муаллифлар номидан иш кўради, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудиде, тегишли хорижий ташкилотлар билан тузилган икки томонлама битимлар асосида, чет эллик муаллифларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

— Ўзбекистонлик муаллифларнинг ҳуқуқлари муҳофазаси қайси мамлакатларда амалга оширилмоқда?

ходимлари учун эса 5 та семинар ўтказилди.

Бундан ташқари, Интернетда агентлигининг сайти очилган. Унинг саҳифаларида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонунчиликка доир тўлиқ ахборот, шунингдек, асарлардан фойдаланиш жараёнларига тааллуқли қўллаб-саволларга батафсил жавоблар билан танишиш мумкин.

— Бу борадаги истиқболдаги вазифаларга ҳам тўхталсангиз...

— Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар бузилишининг олдини олиш — агентлигимизнинг устувор вазифаларидандир. Бу борада ҳуқуқни муҳофазат қилиш идоралари учун «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги қонунбузарликларни аниқлаш усуллари» методик қўлланмаси ишлаб чиқилди.

АДАБИЙ-БАДИИЙ АСАРЛАР — ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗАДА

МАМЛАКАТИМИЗ АДАБИЙ-БАДИИЙ АСАРЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ БЕРН КОНВЕНЦИЯСИГА ҚЎШИЛГАНИГА ИККИ ЙИЛ ТЎЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ РЕСПУБЛИКА АГЕНТЛИГИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ ЎРИНБАСАРИ АЛИШЕР ҲАФИЗОВ БИЛАН УШБУ КОНВЕНЦИЯНИНГ АҲАМИЯТИ, УНИНГ ЮРТИМИЗДА АМАЛ ҚИЛИШИ ТУФАЙЛИ ЎТган даврда ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР ҲАҚИДА СУҲБАТЛАШДИ.

ни бу борада яна бир мўҳим қадам бўлди.

Ўтган даврда мамлакатимизнинг тараққиёт йўлида қўйган дадил оидмалари, шунингдек, Берн конвенциясига қўшилиш учун муайян тайёргарлик кўриш ҳамда ушбу Конвенцияга қўшилганидан сўнг унинг қоидаларини тўла амалда татбиқ қилиш билан боғлиқ долзарб масалалар миллий қонунчиликка муайян ўзгаришлар киритишни тақозо этгани табиий. Шу муносабат билан юртимизда «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида» ги қонуннинг янги тахрири ишлаб чиқилди ва 2006 йил 20 июлда қабул қилинди.

Мазкур Қонунда ҳуқуқнинг тегишли тармоғида қўлланидиган асосий тушунчалар қамраб олинган, уларни амалда жорий этиш механизмлари белгилаб берилган. Асарлардан илмий-техника тараққиёти ютуқларини ҳисобга олган ҳолда, хусусан, Интернет тармоғида фойдаланиш усуллари қўзда тутилган моддалар, айниқса, эътиборлидир.

Бугунги кунда ушбу Қонун Берн конвенцияси қоидаларини ҳаётга татбиқ этиш борасида дастуриламал бўлмоқда. Хусусан, муаллифлик ҳақларини йиғиш ва тақсимлаш ваколатига эга агентлигимиз, ўзининг ана шу ҳуқуқига кўра, муаллифлар билан уларнинг ҳуқуқларини бошқариш юзасидан шартномалар тузмоқда, шунингдек, тузилган шартномалар асосида муаллифлик ҳақларини йиғмоқда. Айни пайтда агентлик томонидан ўзбекистонлик беш юздан зиёд муаллиф манфаатларининг мамлакатимизда ва хорижда ҳимоя қилиниши таъминланаётган.

Адабий-бадиий асарларни муҳофазат қилиш тўғрисидаги Берн конвенцияси тарихига келсак, у 1886 йилда қабул қилинган ҳамда дунёда биринчи бор муаллифлик ҳуқуқи ҳимояси соҳасида минимал халқаро стандартларни жорий этган қадимий шартномалардан биридир. Бугунги кунгача ушбу Конвенцияга жаҳоннинг 163 давлати қўшилган. Берн конвенцияси муайян бир давлатда яратилган асарнинг Конвенция иштирокчиси бўлган бошқа давлатларда ҳам муҳофазат қилиниши қўзда тутади.

Мисол учун, Ўзбекистон ҳудудиде яратилган бирор-бир адабий-бадиий асар наинки мамлакатимизда, балки Конвенция иштирокчиси ҳисобланувчи барча давлатларда бирдек муҳофазат этилади. Бунда ҳар бир ишти-

—Агентлик икки томонлама шартномалар асосида Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Украина, Озарбойжон, Туркия, Испания сингари бир қатор мамлакатлар ҳудудларида юртимиз муаллифлари номидан иш кўрмоқда. Ҳозирги кунда Берн конвенциясининг иштирокчиси ҳисобланувчи бошқа мамлакатларга ҳам шу каби икки томонлама шартномаларни имзолаш бўйича тақриблик юборилган.

Марказий Осиё минтақасида ўзбекистонлик ижодкорларнинг асарлари ва нисбатан қизиқиш жуда катта экани маълум. Масалан, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон сингари мамлакатларда ҳамюртларимиз асарларидан жуда фол фойдаланилмоқда. Ҳозир Берн конвенцияси талаблари биноан муаллифларимизнинг асарларидан фойдалангани учун ушбу мамлакатлар томонидан Ўзбекистонга қалам ҳақи тўлашни механизмларини шакллантириш ва ривожлантириш борасида изчил иш олиб борилаёпти.

Берн конвенцияси, шунингдек, «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида» ги қонун асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 январда «Муаллифлик ҳақи ва бошқа ҳақ тўлаш турлари ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида» ги қарори қабул қилинди. Эндиликда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзбекино» миллий агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги муаллифлар асарларидан фойдаланишда ушбу ҳужжатга асосланмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимиз муаллифлари, шунингдек, асарлардан фойдаланувчи шахслар ақсар ҳолларда ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўла билмаслиги билан боғлиқ муаммо ҳам мавжудлиги сир эмас.

Бу каби ҳолатларга барҳам бериш мақсадида агентлик мутахассислари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга Берн конвенцияси ҳамда «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида» ги қонун нормаларининг моҳияти ва аҳамияти кенг тушурилмоқда. Ҳар чоракда муаллифлар, ҳуқуқ эгалари ва ҳуқуқни муҳофазат қилиш идоралари ходимлари учун махсус курс ва семинарлар ташкил этилаёпти. Бугунги кунгача муаллифлар ва ҳуқуқ эгалари учун 15, ҳуқуқни муҳофазат қилиш идоралари

Ҳуқуқни муҳофазат қилиш идоралари вакиллари иштирокида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги қонунбузарликларга қарши курашиш бўйича ишчи комиссия тузилган. Ҳар ойда ҳўқуқли субъектларида, шунингдек, жамоат жойларида текширувлар ўтказилиб, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларга доир қонун ҳўжжатларига қандай амал қилинаётгани ўрганиб борилмоқда.

Шу ўринда яна бир масалага тўхталишни истардим. Дунёнинг бошқа давлатлари қатори мамлакатимизда ҳам асарларнинг контрафакт нусхаларини тайёрлаш ва сотишга қарши кураш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Маълумки, лицензияланган, яъни қонуний асосда яратилган битта мусиқий альбомнинг нарҳига асар муаллифларига, ижрочиларига тўланадиган ҳақ, босмақонда ва реклама харажатлари, шунингдек, солиқлар, хусусан, даромад солиғи, қўшимча қиймат солиғи ва бошқа шу каби тўловлар кирди.

Мусиқий альбомнинг контрафакт, бошқача айтганда, «қароқчи»лик нусхасини тайёрлашда эса бундай сарф-харажатлар «тежаб» қолинади. Лицензияланган мусиқий альбом билан унинг контрафакт нусхасини тайёрлаш учун сарфланган харажатлар қийсансиз, ўртадаги фарқ катта экани аққол кўринади.

Контрафакт махсусат учун, бир томондан, муаллиф ва ижрочилар тегишли ҳақини олиш имконига эга бўлмайди, иккинчи томондан, давлатга солиқ тўланмайди, демак, давлат бюджети ҳам муайян миқдордаги тушумдан маҳрум бўлади. Шу боси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасида бундай қонунбузарликларнинг олдини олиш ва уларга барҳам беришнинг юридик ва амалий механизмлари ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистонда Берн конвенцияси қоидалари амал қилаётгани мамлакатимиз тараққиётига дунё билан тенгма-тенг одим ташлаётганидан яна бир далилдир. Бугунги кунда биз наинки хорижий маънавий мулкдан рисоладагидек фойдаланиш, айни чоғда ўзимизнинг адабий-бадиий асарларимизни ҳам дунё бўйлаб экспорт қилиш ҳуқуқига эгамиз.

ЎЗА МИРЗО ГУЛОМ МИРЗО СУҲБАТЛАШДИ.

Тиббиёт

ПРОФИЛАКТОРИЙГА ЯНГИ МАҚОМ

«ЎЗБЕКАБЕЛЬ» ШИФОХОНАСИ ЭНДИЛИКДА ШЎҒБА ХЎЖАЛИК ЖАМИЯТИ ДЕБ АТАЛМОҚДА. «ЎЗБЕКАБЕЛЬ» ОЧИҚ АКЦИЈАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ҲУЗУРИДАГИ БУ ПРОФИЛАКТОРИЙГА БУНДАЙ ЯНГИ МАҚОМ ТОШКЕНТ ШАҲАР МЕТАЛЛУРГИЯ ВА МАШИНАСОЗЛИК ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ КЕНГАШИ ҚАРОРИ БИЛАН БЕРИЛДИ.

Хозир мазкур йирик шифобахш даргоҳда йилига 400 дан ортиқ ишчи-хизматчи ўз саломатлигини тиламоқда.

Профилактик ҳузуридаги поликлиника ҳам самарали муолажалар олиб борилмоқда.

Шифохона ақинда «УЗИ» русумли тиббиёт аппарати эга бўлди. Германиядан олиб келинган бу мураккаб қурилма учун корхона маъмурияти 25 миллион сўмлик маблағ ажратди.

Ақбар АЛИЕВ

СИРИИ ОЛАМ

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

●Япон олими И. Окавата ҳиднинг оғирлигини аниқлашга муваффақ бўлди. У қўш қаватли липиддан фойдаланиб, тўқима мембраналарининг компонентларидан бирида хидли моддаларни адсорбция (ютиш) қилиш хусусияти борлигини билди олди. Бунда нанограммаларни ҳам аниқлай олувчи ўта юқори аниқликка эга кварц кристалларига эга тарозудан фойдаланилди. Хидли органик моддалар молекулалари сувдан кўра органик эритувчилар (ёғлар, мойлар)да яхши эриши ҳисобга олингани ҳолда иш кўрилганлиги ҳам аҳамиятли бўлди. Ушбу усулдан косметика ва озиқ-овқат санаетида кенг фойдаланиш мумкин.

●Инглиз олими П.Сениор «Дельта биотехнология» компаниясида одамнинг сунъий гемоглобинини синтез қилиб олишга эришди. Пиво ачқитқиси штамми геномига кислородни тўқималарга етказиб берувчи қоннинг мўҳим компонентини киритди. Натижада штамм тўқималари ўзга оқсиллар қаторида гемоглобинини ҳам ишлаб чиқара бошлади. Сўнгра бу гемоглобин одам организмидан ажратиб олинди. Тақлиф қилинган усулнинг киши турли ҳалокатларга ёки касалликка дучор бўлиб қони камайиб кетганда қўлланилиши катта самара беради, деган фикрлар билдирилди.

●Сибирнинг Енисей дарёси юқори қисмида ўтказилган археологик қазих қўтилмаган натижаларга олиб келди. Майна посёлқаси атрофида топилган лойдан ясалган ҳайкалчалар ва бошқа бир қатор буюмлар давлат Эрмитажидан жой олган. Топилган буюмларнинг қадимийлиги Ўрта Осиё ҳудудиде топилган буюмларга ўхшашлиги билан қизиқиш туғдиради. Бу сибирликларнинг Яқин Шарқдан борган кишиларми ёки европаликларми деган саволга жавоб беришни янада қийинлаштиради. Масалан, 1990 йилда топилган «тош ўғир» бундан 11 йил олдин ясалган бўлиб, ғалла майдалашда фойдаланилган.

●Безори йўловчилар жамоат транспортига қандай зарар етказмоқда? Венгрияда «Икарус» корхонасининг мутахассислари ҳисоблаб чиқшиди — автобусларнинг бузиб, қирқиб ташланган ўриндиқларини алмаштиришга ҳар йили 30 миллион форингдан кўпроқ пул сарфланаётган экан. Хуллас жуда катта зарар етмоқда. «Икарус» автобусининг янги моделини тайёрлаган кишилар худди шундай демоқдалар. Уларнинг фикрича, автобусларни зарарқонанда йўловчилардан асрашнинг битта йўли бор, у ҳам бўлса автобуснинг ичини ўта мустаҳкам материаллардан тайёрлашдир. Яқинда Будапештда журналистларга ана шундай автобус намойиш қилинди. Мутахассислар янги «Икарус»лар салонига амалда шикаст етказиб бўлмайди, дейишмоқда. Будапешт кўчаларида тез орада ана шундай автобусларнинг пайдо бўлиши эълон қилинди. Уларнинг оддий автобуслардан афзаллигига йўловчиларнинг ўзлари ишонч ҳосил қилдиладилар. Шундан сўнг, бундай автобусларни ишлаб чиқариш кераклиги ёки керак эмаслиги ҳақида жамоатчилик фикри ўрганилади.

●Миср пойтахтида сфинкс ҳайкалинини сақлаш ва таъмирлаш муаммосига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. Бу жуда катта тош ҳайкал, бундан 4,5 минг йил муқаддам Гиза яси тоғлигидаги учта катта эҳром олдида яхлит бир қояга ўйиб ишланган эди. Махшур қиролчиқа Клеопатра тарихда дастлабки марта уни таъмирлашга ҳаракат қилган. Лекин афсоналарга қараганда, қиролчиқадан олдин ҳам бу иш билан шуғулланишга уриниб кўришган экан. Яқиндагина мисрлик усталар мустақил равишда охириги марта таъмирлаш ишлари билан шуғулланишган, лекин бу иш муваффақиятсиз бўлиб чиққан эди. Ҳозирги цемент қоримшаси оҳақ қонсини шу даражада емириб юбордики, сфинкс нурай бошлади, ундан чанг кўтарилаверди. Ўтган йил одамсимон шер елкасининг икки ўта килограмм келадиган катта бир бўлгаи узилиб тушган эди.

●Коинотнинг ерга яқин қисмида чиқиндилар жуда кўпайиб кетганлиги ҳақида хабарлар тарқалди. Ер атрофида ўз хизматини бажариб ва кейин портлатиб юборилган космик аппаратлар, йўқолиб ёки узилиб кетган қисмлар ҳамда отиб юборилган деталлар ҳисобига ҳозир коинотда 3,5 миллиондан ортиқ нарсалар учиб юрганлиги қайд қилинади. Икки юз километр радиус атрофида мана шундай жисмлардан катта-кичиги бўлиб уч мин тонна оғирликдагиси мавжудлиги амалда тасдиқланди. Мана шундай қисмларнинг энг кичиги ҳам хавфли эканлиги фазогирларга маълум. Ярим миллиметр катталикдаги металл чанг заррачаси фазогир скафандрини тешиб юбориши ва ҳатто унинг ҳаётини хавф остида қолдириши аниқдир. 1983 йили қалинлиги 0,2 миллиметрли буюқ пардаси Америка «Шаттл»ларидан бирининг ойнасини тешиб ўтганлиги таърихларда қўрилган.

●Энг биринчи автомобиль рақами Париж мир-шабхонаси томонидан 1883 йили одатга киритилган. Биринчи рақам — А 1 вилонт Ресселга унинг «Напир» автомобили учун берилган. Ушбу рақам васият бўйича Тревор Т.Лейнерга мерос қолган. Ниҳоят у 1959 йилда ким ошди савдосида 2500 фунт стерлингни сотилган.

●Тиш нега оғрийди? Бунинг сабаби кўп. Улар орасида шундай бир сабаб ҳам бор, тишимиз баъзан зирак тақишдан ҳам оғрийди. Бундай қараганда зирак тақиш беозор бир ишга ўхшайди, қулқоннинг юмшоқ жойини тешасиз-у, янги зиракни тақиб оласиз. Аслида бу иш унчалар жўн эмас экан. Ўша бил зирак тақидан юмшоқ жойда кўз, тиш, тил, юз мускуллари, қулоқ билан боғлиқ бўлган 11 та нуқта мавжуд экан. Агар озгина эҳтиётсизлик қилиб, қулқон тешаётганда ана шу нуқталардан бирини, айтилик, тиш нуқтасини жароҳатлаб қўйишимиз натижа-сида тиш оғрини келтириб чиқариши мумкин. Бунинг устига агар зиракнинг банди нодир металдан ишланган бўлса, оғрик узоқ вақт чўзилади. Тишдан кейин кўз оғриб, кўриш қобилияти сусайиши мумкин. Фарбий Германиянинг айрим шифокорлари зирак тақиш ҳар қандай ҳолда ҳам зарарли деб ҳисоблайдилар.

●Энг тезорар автомобиль 230 от кучига эга бўлган «Мерседес С Ш 13»-дир. У 1978 йилда. Жанубий Италиянинг Нардо—Серкит йўлларида синовдан ўтказилган, тезлиги соатига 327 километрга етган. 12 соатда 3773 километр 55 метр масофани босиб ўтган.

●Энг узун автомобиль бу махсус буюртма бўйича қурилган 15 гилдиракли «Кадиллак-лимузин»-дир. Унинг бўйи 18 метр 30 сантиметр бўлиб, «Жей Орберг Шоу Карз» компанияси томонидан ясалган. Унинг иккинчи номи «Америка орузиси».

Оз-оз ўрганиб домо бўлар...

МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

ХИКМАТЛАР

Сен азизларни ўзингдек билмагил, Гарчи ўхшашдир ёзувда «шер»у «шир».

Жумла олам шул сабаб гумроҳ эрур, Кам киши Ҳақ ахлидин огоҳ эрур.

Баъзилар ўзни набий дейди, холос, Авлиёни ўзига айлар қиёс.

Дор: улар эрса башар, биз ҳам башар, Биз-да нон ермиз, улар-да нон ошар.

Вах, улар кўрмас ва билмас ҳеч қачон Ўртада бордир тафовут ончунон.

Арилар ҳам турфадирким, ҳар маҳал Биттаси захру бири йиққай асал.

Икки оху бир гиёҳ ер, сарҳисоб: Биттасидан—гўнг, биридан мушки ноб.

Ул қамишлар бир ариқдан сув ичар, Биттаси — бўм-бўш, бирида—қанд, шакар.

Гар мунофиқ бош эгиб, этса намоз, Хийладир ул этгани, эрмас ниёз.

Ул мунофиқ рўзаву ҳажжу закот Бобида айлар магар мўминни мот.

Ахли мўмин оқибатда шод эрур, Ул мунофиқ охиратда мот эрур.

Ном агар ўксук эса, ҳарфдин эмас, Сув агар аччиқ эса, зарфдин эмас.

Ҳарф —идиш, маъно —идишда сув ҳамон, Баҳри маъно ҳам китоб ичра ниҳон.

Гар киши оғзига кирса битта хас, То у хасни олмагунча тинчимас.

Мингта луқма ичра бир чўп тушса гар, Одамий ул чўпни дарҳол ҳис этар.

Ҳисси дунё—шу жаҳонга норвон, Ҳисси диний—осмонга норвон.

Овчи чорлар қушчани ҳуштак чалиб, Қушча ҳам келгай бу сасга алданиб.

Ўхшатар ҳуштакни қўшнинг бонгига, Шу йўсин тушгай у сайёд домига.

Яхшилардан сўз ўйратар марди дун, Ўзгага ўз молидек сотмоқ учун.

Мард иши равшанлигу мардоналик, Хийладир номард иши, бегоналик.

Кўзу шаҳват қимсани айлар гилай, Кўп ёмон йўлларга руҳни йўллагай.

Гарчи лочин ёки симург бўлсагам, Бандамиз дому тузоққа дамба-дам.

Кўлни кўрмай, баъзилар кўргай қалам. Ўйлагай ул-шу қалам этгай рақам.

Гар ҳасад кўнглинга солса бир ғулув, Лаънати Иблисининг этган кори бу.

Ул ҳасад айлаб, мудом жанг айлағай, Одамийнинг ҳолини танг англағай.

Тангридин бир соя эрмиш авлиё.

Ҳидлар ичра дилрабои—дин хиди.

Ҳидни хидлаб, шунга шукр этмас киши, Англисинким, куфри неъматдир иши.

Гар қумушнинг ранги окдир, лекин шу дам Кўлга олсанг, кўл қорайгай, жома ҳам.

Ўт деган чўгдин қизил юздир магар, Сен қаро қилмишларига сол назар.

Гарчи чакмоқ нурга монанддир, ҳамон Чақнаса, кўзни қамаштиргай ёмон.

Ҳар дақиқа Ҳаққа таслим бўл тамом, Шулар етар, бас, бошқасидир макру дом.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



МУСИҚА САНЪАТИ АСРЛАР ОША ИНСОНЛАРНИНГ БАҲРУ ДИЛИНИ ОЧИБ, УЛАРНИ ЎЗИГА РОМ ЭТИБ, БИР ОЛАМ ЗАВҚ-ШАВҚ, ХОТИРЖАМЛИК, ТЕТИКЛИК ВА НАФИС ТУЙГУЛАР УЛАШИБ, КЎНГИЛЛАР ҒУБОРИНИ ЁЗИБ, ДИЛЛАРНИ АЛЛАЛАБ КЕЛМОҚДА. ЯХШИ КҮЙ, ҚЎШИҚ ВА РАҚС ОДАМЛАРНИНГ ҚАЛБ ҚЎРИНИ ПОКИЗЛАБ БОРАДИ, ЭЗГУЛИК ВА ЯХШИЛИК САРИ УНДАЙДИ.

Куни кеча Ўзбекистон Давлат консерваториясида Болалар музика фестивали бўлиб ўтди. Фестивални Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Ўзбекистон Дав-

Фестиваллар

МУСИҚАДАН БОШЛАНАР ҲАЁТ

лат консерваторияси ҳамкорликда ўтказилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Рустам Абдуллаев, Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов, дастур бадий раҳбари Рауф Қодиров сўзга чиқиб, фестивални ўтказишдан кўзланган мақсад, музика санъатининг бугуни ва келажаги, ютуқ ва камчиликлари ҳақида ўзларининг фикр-мулохазаларини билдирдилар. Фестивалда В. Успенский номидаги республика махсус музика академик лицейи симфоник оркестри, мазкур ўқув масканининг ўқувчиларидан халқаро фестивалларда қатнашган (Италия,

Германия, Англия, АҚШ, Исроил) Нурон Муқимов, Бехруз Нёзматов, Анна Халиқова, Зулфия Ботирова, Руслан Бек, Глиэр номидаги махсус музика академик лицейи ўқувчиларидан Бобур Саидов, Нодир Мехрожев, Нурилла Зарипов ўзларининг музика қишқилари билан иштирок этдилар. Шунингдек, Ўзбекистон Давлат консерваториясининг Музика педагогика кафедрасининг талабалар хори, «Булбулча» болалар ашула ва рақс дастаси ижросидаги дилрабо куй ва қўшиқлар оҳанги фестивалнинг янада гаштли ва тароватли ўтишини таъминлади.

— Мазкур фестивал давомида, — дейди Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жаббаров, — ёш санъаткорларнинг ижролари барчага бирдай манзур бўлди. Бундан иштирокчилар ҳам, меҳмонлар ҳам, бирдай завқланишди. Ҳа, ёшларимиз жуда иқтидорли, изланувчан. Насиб этса улар келажакда ўз санъатлари орқали албатта дунёга машҳур инсонлар бўлиб етишадилар. Мен уларнинг музика йўлидаги ижодий жараёнларига омадлар тилайман.

Гулчехра ДУРДИЕВА СУРАТЛАРДА: фестивалдан лавҳалар

Танловлар

САЛОМАТЛИКНИНГ ЁШ ДЎСТЛАРИ

МАЪЛУМКИ, ҲАР ЙИЛИ АНЪАНАВИЙ РАВИШДА ЁШ АВЛОДНИНГ СОҒЛОМ ЎСИШИ, ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ САНИТАРИЯ-ГИГИЕНА АСОСЛАРИ ВА БИРИНЧИ ТИББИЙ ЁРДАМ БЕРИШ, ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИШИ ВА ҲУҚУҚИЙ ОНГЛАРИНИ ОШИРИШ, ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТЛАР РҮЙ БЕРГАНДА ЎЗЛАРНИ ТУТА БИЛИШЛАРИ, ЎЗГАЛАРГА ЁРДАМ БЕРА ОЛИШГА ЎРГАТИШ КАБИ БИР ҚАТОР ХАЙРЛИ МАҚСАДЛАРНИ КЎЗЛАГАН ҲОЛДА «САЛОМАТЛИКНИНГ ЁШ ДЎСТЛАРИ» МУСОБАҚАЛАРИ ЎТҚАЗИЛИБ КЕЛИНАДИ.

Куни кеча Қизил Ярим Ой жамияти Мирзо Улугбек туман Кенгаши ташаббуси билан халқ таълими, ҳудудий тиббиёт бирлашмаси, «Камолот» ЕИҲ туман бўлимлари каби бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ушбу мусобақаларнинг туман босқичи бўлиб ўтди.

— Йилдан-йилга ўқувчилар ўртасида танловга қизиқиш ортиб, уларнинг билимлари мустаҳкамланиб бормоқда, — дейди Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари Шохида опа Худойбергана. — Албатта бунда туман Кенгашиларимизда режа асосида олиб борилаётган ишлар, умумтаълим мактабларида санитария постларини тузиб, аъзоларининг махсус дастур асосида ўқитиладигани ҳам катта ёрдам бермоқда.

Танловда 23 та мактаб сан-постчилари қатнашган бўлса, улар сажжизта шарт бўйича бор билим ва кўникмаларини намойиш этиб голиб бўлишга астойдил интилдилар. Бирин-бирдан чақонлик қилаётган, саволларга топқирлик билан

жавоб беришга интилаётган қатнашчиларни кўрганда албатта ўтказиладиган учрашув ва суҳбатлар бесамар кетмаёт-



ганини кўриш мумкин бўлди. — «Ижтимоий ҳимоя йил»нинг ўтган уч ойи мобайнида Кенгашимиз томонидан бир қатор тадбирлар ўтказилди, — суҳбатга қўшилди Қизил Ярим Ой жамияти Мирзо Улугбек туман Кенгаши раиси Анора Иргашева. — Хусусан, тумандаги 52 та маҳаллаларда уч-

рашувлар, 205-мактаб-интернатда марафон, аёллар ташкилотларида тадбирлар ўтказилди. Тадбирларда кам таъ-

минланган, боқувчисини йўқотган, ноғирон, ётиб қолган беморларга имкон қадар ёрдам бериш, кўнглини кўтаришга ҳаракат қилинди. Албатта ўқувчиларга бундай кўникмаларни бериш эртага яхши натижаларни кўрсатади деб ўйлаймиз.

Биз мусобақани кузатиб,

саволларга бири-бирдан бурро жавоб бераётган иштирокчиларнинг энг ёшларини суҳбатга тортиди. — Биз биринчи йили ушбу мусобақада иштирок этятамиз, — дейди 308-мактабнинг 6-синф ўқувчилари Гузал Отаметова ва Айдан Джазалова. — Роса тайёрланган эдик, лекин ҳозир шошиб қолялдим. Қизил Ярим Ой жамияти томонидан ўтказиладиган барча машғулотлар, 26 соатлик ўқув дастурлари ва учрашувлар бизга жуда ёқди. Чунки тўсатдан юзга келиши мумкин бўлган тасодифларга тайёр туришимиз, ёрдам беришни билишимиз ҳаётда асқотади.

Ҳар томонлама қизиқарли ва кўнглили ўтган ушбу мусобақада 50-мактаб ўқувчилари голибликка лойиқ эканликларини исботладилар. Деворий газеталар кўрик-танловида ҳам 50-мактаб ўқувчилари биринчи ўринни забт этдилар. Мусобақа якунида голиб ва қатнашчиларга Қизил Ярим Ой жамияти Мирзо Улугбек туман Кенгаши томонидан дипломлар ва эсдалик совғалари топширилди.

Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТДА: «Саломатликнинг ёш дўстлари» кўрик-танловидан лавҳа. Ҳақимжон Солиҳов олган сурат

Спорт янгиликлари ПОЙТАХТЛИК ШАХМАТЧИ ОЛИЙ ЛИГАДА

ШАҲРИМИЗДА ШАХМАТ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ БИРИНЧИ ЛИГАСИНИНГ ЯКУНИЙ БОСҚИЧИ ЎЗ НИҲОЯСИГА ЕТДИ. ҚОИДАГА КЎРА, УНДА БИРИНЧИ ЛИГАСИНИНГ ДАСТАВКИ БОСҚИЧИДА КУЧЛИ ОЛТИЛИКДАН ЖОЙ ОЛГАН ВА ОЛИЙ ЛИГА ЖАДАВАЛИНИНГ СЎНГИ ОЛТИТА ПОГОНАСИДА ЖОЙЛАШГАН ШАХМАТЧИЛАР ТЎРТТА ЙЎЛЛАММА УЧУН ЎЗARO КУЧ СИНАШДИ.

Бир даврли тизимда ўтказилган беллашувларда ун бир имкониятдан 7,5 очко жамгарган тошкентлик шахматчи Александр Касьян олий лига йўлланмасини қўлга киритди. Шунингдек, 7,5 тадан очко жамгарган яна икки шахматчи — Беғали Саидов (Сурхондарё), Вильдан Ғуломов (Наманган) ҳамда етти очко билан мусобақани тўртинчи ўринда якунлаган андижонлик Иброҳим Каримов ҳам мамлакат чемпионатининг олий лигасида дона суриш ҳуқуқига эга бўлди.

ГИЛАМДА ЁШ ПОЛВОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЭРКИН КУРАШ БЎЙИЧА ЁШЛАР ЎРТАСИДА ЎТҚАЗИЛГАН МАМЛАКАТ БИРИНЧИЛИГИДА ИҚТИДОРЛИ ПОЛВОНЛАР ЎНТА ВАЗН ТОИФАСИДА ЎЗARO БЕЛЛАШДИ. Мусобақа олтин медалларининг аксарияти пойтахтимиздаги Республика олимпия заҳиралари коллежида таҳсил олаётган курашчилар — Ойбек Камолов, Акмал Ҳамроев, Субхон Тошпўлатов, Нодир Мирзаев, Аминбой Давлетов, Ақром Раҳимовга насиб этди. Шунингдек, Самарқанд вилояти шарафини ҳимоя қилган Сардор Ғузаилов, Маъмур Сатторов, Олим Нодиров ҳамда андижонлик Рустам Абдусаматов ҳам ўз вазн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, шохсупанинг энг юқори погонасини эгаллашди.

Боҳир БЕК

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ очик аукцион савдоларига таклиф этади

Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидагилар қўйилмоқда. 1. Тошкент шаҳар Юнусобод туман суд ижрочилари бўлими томонидан фуқаролик ишлари бўйича Юнусобод тумани судининг 2007 йил 22 февралдаги 1-93 сонли ижро варақасига асосан хатланган, «АТЭК» ОАЖ омборида сақланаётган, қуйидаги автотранспорт воситалари: «Зил-133 ГЯ» русумли, давлат рақами 11 Т 5162 бўлган, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси—4 376 000 сўм. «КАМАЗ-5320» русумли, давлат рақами 30 R 4961 бўлган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси—9 575 000 сўм. 2. Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2006 йил 28 апрелдаги 10-0604/2483 сонли ижро варақасига асосан хатланган, Мирзо Улугбек тумани, Мирзо Улугбек посёлкаси, У.Ғуломов кўчаси, 9-уйда жойлашган 3 қаватли уйнинг 1-қаватидаги майдони 200 кв.м. бўлган савдо дўқони. Бошланғич баҳоси—27 486 000 сўм. 3. Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2006 йил 04 майдаги 10-0514/13175 сонли ва 2006 йил 25 августдаги 10-0611/5260 сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Мирзо Улугбек тумани, ТТ3-2 даҳаси, 43-уй манзилида жойлашган 5 қаватли бинонинг ёнига қурилган майдони 290 кв.м. бўлган савдо дўқони. Бошланғич баҳоси—49 376 800 сўм. Ушбу автотранспорт воситалари ва кўчмас мулк объектлари билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдолари 2007 йилнинг 29 май ва 5, 12, 19, 26 июнь кунлари соат 11-00 да, ушбу автотранспорт воситалари ва кўчмас мулк объектлари сотилунига қадар мунтазам равишда ўтказилади. Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М.Уразбоев кўчаси, 1 а-уй манзилида жойлашган РКМБ биносининг савдолар залида ўтказилади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатиде ижро ҳўжжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалдаги МФО: 00425, ИНН 200933850, 20210000700571452062 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳўжжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, М.Уразбоев кўчаси, 1-а уй, телефонлар: 399-79-52, 399-84-48. Интернетдаги сайтими: www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 №000004

Тошкент шаҳри аҳолисининг кўплаб илтимосларига мувофиқ бутун апрель ойида цирк манежида «Ҳайвонлар карнавали» дастурининг намойиши давом этади. БОЛАЛАР ВА КАТТАЛАР, ШОШИЛИНГ, ШОШИЛИНГ!!! Томошалар шанба ва якшанба кунлари соат 12.00, 15.00 да бошланади. Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-35-94, 144-32-23.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3061 нусхада босилади. Қоғоз бирими А-2

Нашринг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимлариға «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси бошқармаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 6